

# Сумалак

ИЗҒИРИНЛИ қиш кунлари ортда қолди. Майсалар ниш уриб, дарахтлар уйғона бошлади. Боғ, дала-дашт юмушлари бошланиб кетган. Қиш бўйи бу кунларни бесабр кутган деҳқон, боғбон, чўпон энди тонг саҳарданоқ далага шошади, боғига, яйловига ошиқади. Шундай илк кунлари қиш бўйи бетоб ётган бир қариндош-қариямизни кўргани бордим. Қарангки, касалманд ота ҳовлига жой қилдириб, гилос тагидаги сўрида ўтирган экан. Кайфиятларини кўриб, хурсанд бўлиб кетдим:

— Баҳор Сизни соғинтириб қўйибди-да, отахон! — дейман самимий сўрашиб.

— Бу баҳор наинки мани, бутун оламни соғинтириб қўйди-ку, ўғлим!

Отахоннинг келинлари дастурхон ёзиб, ҳар хил ноз-неъмат қатори бир пиёла сумалак ҳам қўйиб кетди. Шунда димоғимга чиндан ҳам баҳор нафаси урилгандай бўлди.

— Янги сумалакми? — деб сўрадим қизиқиб.

— Йўқ, ўтган йилги. Зайнабхоннинг сумалагидан. Агар сумалак яхши тайёрланса, бир-икки йилгача айнимай тураверади.

Зайнабхоннинг сумалаги. Сумалак тайёрлаган онахонимизни танирдим. Шаҳримизнинг Шайҳонтоҳур районидаги Боғкўча маҳалласида яшайдилар. Ўтган йили тайёрланган сумалак сайилларида қатнашганман. Барча маҳалла оқсоқоллари, мунис онахонларигача жам бўлишганди ўшанда. Сайилга район ҳокимидан тортиб, шаҳар маданият уйининг таниқли хонанда ва ҳофизларигача қатнашиб, наврўз тантанасига файз қўшгандилар. Бу йил ҳам худди шу маҳаллада сумалак сайилига қизғин тайёргарлик кўрилаётир.

Наврўзнинг тансиқ ва қадимий таоми сумалакни ҳамма ҳам қиёмига келтириб тайёрлайвермайди. Унинг ховасини олган сумалакпазлари ҳам бор. Зайнаб она шулардан биридир. Тайёрлаш услубидан қисқача айтиб ўтмоқчиман.

Сумалак 500 кишига етиши учун 15 кило тозаланган жавдари буғдой олиб, уни тоза кастрюлга солинади-да, устидан сув қуйилади. Кейин қўл теккизмай фақат ёғоч чўмич билан кавланади. 3—4 марта суви олиниб, янгиланади. Буғдой обдон тозалангач кострюлка усти дока билан ёпилади. Қопқоғи беркитилган кострюлка қимирлатилмайди, қопқоғи очилмайди ҳам. Фақат учинчи куни алоҳида уйга, текис тахта устига 2—3 см қалинликда човли ёки чўмич билан ёпилади. Иккинчи куни эса буғдойга уч-тўрт марта тоза сув сепилади. Шундай қилинса, буғдой 5—7 кунда униб чиқади. Униб чиққан буғдойни оппоқ сутга тўлган пайтда бузиш керак. Бузилган масаллиқ ёғоч ўгир, ховонча ёки гўшт майдалагич орқали янчилиб, яна сувли тоғорага солинади. Кейин сувини сиқиб, думалоқлаб олинаверади. Чиққан қипиғини эса молга, товуқ, қуёнларга бериш мумкин. Сутдай оппоқ буғдой суви сумалакнинг асосий масаллиғидир. Уни сумалак пишириладиган қозонга солинса бас. Кейин 15 килоли буғдой сувига 10 кило доғлаб совитилган пахта ёғи ва 60 кило ун қўшиб қориштирилади. Масаллиқлар 24 соат қайнаши керак. Сўнг уч-беш соат усти ёпилиб, димланади. Шундан кейин кўрибсизки, сумалак тайёр.

Мен бу гапларни Зайнаб онанинг ўз оғизларидан эшитганман.

Наврўзнинг тансиқ таоми сумалак баҳорнинг илк ойларида — қарияларимиз айтганларидай илик узилди пайтлари тайёрланадиким, бу ҳар бир толиққан, қиш чилласидан чарчаб чиққан тана-жисмга бекиёс мадор, қувватдир. Шунинг учун ҳам бу тансиқ таомни дармон дори ҳам деб атайдилар.

Азизлар, қўни-қўшни, яқин-йироқ қатори бизларни ҳам сумалакка айтиш эсдан чиқмасин...

Т. ИМОМХЎЖАЕВ.



Маънавий қадриятларимиз бутун бўй-басти билан намоён бўлишига мустақиллик туфайли эришилди. Турли байрамлар, тўю томошалар, халқ анъаналари, урф-одатлари ўзлигини қайта топди.

Суратда: тўй ва йиғинларимиз ана шундай баҳамжиҳат ўтади.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

# ЗАЙНАБ МОМОНИНГ КЕЛИН САЛОМИ



...СУРХОННИНГ тоғли Вахшивор қишлоғи.

Келинчак ўша маҳзун ва суйгун пок либосда, қўлтиғида бир жуфт нон, ҳиқиллаб қадам ташлайди. Қизлар ўз қаторларини ташлаб кетаётган дугоналари ҳақида «Ёр-Ёр» айтадилар.

Ёр-Ёр айтиб куёвнинг дарвозасига етганда, бир ҳовуч похол ёқилади, келин ундан ҳатлаб ўтиши керак. Ўшанда ҳам йиғиси тўхтамайди. Ички бир ўкинч кўнглини тирнайди.

Аммо, «Келин салом» маҳали йиғидан тўхтайди. Гўё тоғу тошлар ҳам сукунат ларзасини кечади, илло буни ҳар бир тўйда кузатиш мумкин. «Келин салом» — келиннинг вужудидаги эркалик юкини кўтариб, қизлик дунёси билан хайрлашишга кўниктиришдир. «Келин салом» — ул дилбарга сабр — санамлик, комилу акрамлик воқъе бўлишини тилаш, «келин салом» — йўқлик ва борлиқни эътироф этиш санъати, «келин салом» — гуноҳларга тавба, савобларга ривож...

Зайнаб момо обдон томоғини қириб олади. Ичида нималарнидир пичирлайди, енгларини туширади, қўлини кўксига қўяди:

Ассалому алайкум, бутун борлиққа ассалому алайкум, унинг жамики нози-неъматларига...

Келин салом, дейдилар: офтобу ойга, гулдек чиройга, тоғу тошга, қарию ёшга, замину замонга» Келин эгилади, салом қилади, чор атрофдан «Қуллуқ!» овозлари эшитилади...

— Келин салом, дейдилар: Момо ҳавогаю Одам Атога» — келин эгилади, тахт эгилади. — Келин салом, дейдилар: равонавога субҳи-сабога — келин эгилади. Чор атроф «Қуллуқ» дея хитоб қилади.

Зайнаб момо қироат билан давом этади:

— Келин салом, дейдилар: келиннинг қайнотасига ўн салом, қайнонасига беш салом!..

Келин таъзим устига таъзим қилади. Аҳли жамоа «шеър билан бўлсин, шеър билан», дея ҳайқиради, Зайнаб момо шавқ билан ҳазил мутоиба шеър ўқийди:

**Қоринлари қопдайин,**
**Мўйловлари шопдайин**
**Қайнотасига салом!..**

**Қўл ювишга эринган,**
**Ул тувдим, деб керилган**
**Қайнонасига салом!**

**Поездга миниб кетган,**
**«Суяман», деб хат битган**
**Куёв болага салом!**

**Қозонда сути тошган,**
**«Келин келди!» деб шошган**
**Овсинларига салом!**

**Токчадаги совундай,**
**Ичи тушган қовундай**
**Қайнисингилга салом!**

**Шапка кийиб шайланган,**
**Элу юртни айланган**
**Куёв жўраларга салом!**

«Қуллуқ» хитоблари, қийқириқ, чапак тўлиб кетади.

Зайнаб момо — менинг аммам... Опамга келин салом айтган, янгамга ҳам. Худо хоҳласа, менга ҳам айтади. Менга уқтирадилар: «Болам, қонимизда шоирлик юқи бор. Сенга ҳам юққан, уни авайлагин!» «Хўп», дейман. Кейин бир-икки тўйда келин салом ҳам айтганман.

«Келин салом» — келинчакларнинг илоҳий ваъдаси, «келин салом» — ошиқнинг ботиқ киприклари, ишонаман, тўйгача куёвни севмаган қизларнинг, «келин салом» эшитаётганда жон ила вужудига ишқ қуйилади. Куймаган юраги ёна бошлайди. Бу нима ўзи? Дийдор мактубими? Фаришталар битган номайи саломми? Келин ила куёвнинг ўртасидаги нозик кўприкми? Мавҳумлик либосининг ранглари ошкор бўлаётганими? Нега бўлмаса Ёр-Ёрга овунмаган ул бокира «Келин салом» эшитгач, тақдир қўшиғини тинглаётгандек, бахтдан башорат эшитаётгандек? Йиғиларнинг ўзани овунади, хазон истаган боғлари яшилланиб, кўкимтир бўрк кия бошлайди. «Келин салом» — келинга айтилган алла, илоҳий алла, тангри карам этган мавжудлик, жуфтлик неъматининг ҳосили. Келин таъзим қилади, унинг ҳар таъзими тангрининг иноятидир.

Зайнаб момо... юзлаб келин саломларни билади, ўзи тўқийди. Ўзлари эса беш келинга қайнона. У киши ҳаётида кўплаб келинларга келин салом айтганлар. Юрак тегирмонининг парраклари эса Зайнаб момо саломномаларини эшитгач, шавқ билан айланади. Бу ҳаракатда илоҳий бир қудрат бор.

Бу кунлар ҳар бир қизга насиб этгай!..

Гуландом ТОҒАЕВА.

# «ҚЎЛБОЛА ЁҒ» ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚЛИМИ

**ЁКИ АЙРИМ «ИШБИЛАРМОНЛАР» ТАЙЁРЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ОҚИБАТЛАРИ ХУСУСИДА**

КЕЙИНГИ пайтларда газета саҳифалари ва радиоэшиттиришларда тез-тез: «чигитдан ёғ ажратиб олиш йўлга қўйилди. Шу тариқа аҳолининг пахта ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш имкони туғилди, хўжаликлар ихтиёрида қолдирилаётган пахтадан ажратиб олинган чигитдан ёғ тайёрланмоқда. Фалончи вақт ичида харидорларга шунча «қўлбола» маҳсулот тақдим этилди» каби мазмундаги янгиликлар эълон қилиняпти. Дастлаб бу тахлит хушхабарлар ҳаммамизни қувонтирди. Ишбилармонларимиз кам бўлмасин, турмушимизнинг бу нотўкислигига ҳар қалай ямоқ топишнинг уддасидан чиқишипти, қозонимиз сувга ташланмайдиган бўлди, дея дўппимизни осмонга ҳам отдик.

Дарҳақиқат, тараққиётимизнинг бугунги босқичида юзага келган ижобий ўзгаришлар халқ ҳунармандчилиги ривожига қайта туртки берган, кўзи беркилиб қолган маънавиятимиз чашмалари жонланиши учун шароит яратган экан, шукрлар бўлсин. Лекин масаланинг иккинчи жиҳатини унутишга ҳаққимиз йўқ. Демоқчимизки, озиқ-овқат маҳсулотларини ҳеч бир назоратсиз айрим «ишбилармонлар» ихтиёрига топшириб қўйишга вақт эртага ўхшайди. Ҳамма жойда ёмғирдан кейинги қўзиқорин мисол пайдо бўлаётган пахта ёғи ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар борасида сўз юритмоқчимиз.

Поп районининг «Дўстлик» жамоа хўжалиги ҳудудидаги цех техника таъмирлаш саройига жойлашган. Худди шу ернинг ўзида минерал ўғитлар ва қурилиш заҳиралари сақланади. Цехнинг икки пресслаш механизми атиги сим тўр билан тўсилган холос. Чанг-тўзондан, ёғин-сочиндан ҳимоя қилинмаган. Технологик жараёнлар талабга мутлоқ жавоб бермайди. Чуст районининг Навоий номли жамоа хўжалигидаги цехда юқорида тилга олинган камчиликлардан ташқари маҳсулот сақланадиган хона яроқсиз. Ёғни тозалаш ускуналари умуман йўқ. Ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган ёғнинг сифати текширувдан ўтказилмаган.

Норин районидаги «Норин» жамоа хўжалигида шу тур маҳсулот ишлаб чиқараётган ишбилармонларнинг ёғ тайёрлаш технологиясидан тўлиқ хабардорлиги кишида шубҳа уйғотади. Чунки бу ишга оид ҳеч қанақа ҳужжатни кўрсатиша олишмади. Маҳсулот сифатига тааллуқли гувоҳнома ҳам йўқ. Қарангки, одам боласи истеъмол қилиши лозим бўлган, тўппа-тўғри қозонга бориб тушадиган маҳсулот санитария қоидаларига зид равишда тайёрланмоқда. Ёғ ишлаб чиқариш хонаси лойсувоқ қилинган холос. Маҳсулот вилоят санитария-эпидеомология станцияси лабораториясида кўрикдан ўтказилганда ҳар юз грамми таркибида 0,19 миллиграммагача госсипол моддаси мавжудлиги аниқланди.

Чортоқ районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигида шу назорат органларининг рухсатисиз шундай цех ташкил этилган ва қисқа вақт ичида ярим тонна маҳсулот тайёрлашга улгуришган. Бу ерда ҳатто, ёғни оқлаш учун ҳеч қанақа шароит яратилмаган.

«Учқўрғон» давлат хўжалигидагилар ён-атрофларида шу тахлит маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигидан хабар топиб, шошиб қолишган ва дала шийпонида бу янгиликни йўлга қўймоқчи бўлишган. Афсусларким, мойжувоз ҳолати санитария талабларига бутунлай зид.

Наманган районидаги «Ижодкор» агрофирмасидагилар эса шакарқамишни қайта ишлаш учун қурилган цехни ёғ ишлаб чиқаришга мослаштириб қўя қолишган. Цехдагиларнинг ўзбилармонлиги шу даражага етганки, вилоят санитария-эпидеомология станцияси вакиллари текшириш ўтказиб зарур кўрсатмалар берган бўлишларига қарамай биронтасини бажаришни раво кўришмаган. Ҳолбуки, цехнинг атрофи яланглик. Асосий хомашё ҳисобланган чигит очиқ ҳавода сақланмоқда. Текшириш ва назорат учун зарур мосламалар келтирилмаган. Ана шу муддат ичида олинган маҳсулот давлат стандарти талабларида эмаслиги аён бўлди. Шунингдек, Учқўрғон районидаги «Андижон», Уйчи районидаги «Уйчи», «Бирлашган», Янгиқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжаликларида ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг истеъмолга яроқсизлиги аниқланди. Жойлардаги кичик корхоналарда санитария-тозалик қоидаларига риоя этилмаётганлиги, ёғ таркибининг талаб даражасида бўлишига эътибор берилмаётганлиги, бу эса инсон, саломатлиги учун хавфли эканлиги аҳволни ўрганган гуруҳ аъзолари томонидан қайта-қайта таъкидланди. Энди ушбу мулоҳазалар қай даражада ростлигини англаб етиш учун мутахассислар фикрини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Овқат хазм қилиш ғоят нозик ва мураккаб жараён, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг бош парҳезчиси, олий даражали шифокор Файзулла Абдуллаев. — Сал нарса билан унга зиён етказиб қўйиш мумкин. Бу ўринда истеъмолга энг кўп ишлатиладиган ёғ маҳсулотининг сифати муҳим роль ўйнайди. Унинг давлат корхоналарида тайёрлангани минг чиғириқдан, юз бор текширувдан ўтказилади. Таркиби пухта ўрганилади. Ундан кейингина сотишга чиқарилади. «Қўлбола» ёғ таркиби сифатига ҳар доим ҳам кафолат бериш қийин. Бинобарин, билиб-билмасдан уни истеъмол қилиш ҳар хил кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Бусиз ҳам минтақамизда ошқозон-ичак ва жигар касалликлари кўпайиб бораётганини эсга олмасликка ҳаққимиз йўқ.

— Бу муаммо бизниям бефарқ қолдирмаяпти, — дейди Наманган шаҳар санитария-эпидеомология станциясининг бош ҳакими Усмонжон Раҳимов. — Чигитдан ёғ ажратиб олиш технологияси ғоят мураккаб. Негаки, пахта ёғининг таркибида 0,2 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда госсипол деб аталмиш ғоят заҳарли модда бор. Корхонада, қайта ишланганда маҳсулот ана шундан тозаланади. Агар бу модда ёғ миқдорида 0,02 фоиз сақланиб қолган тақдирда ҳам қатор касалликларни келтириб чиқаради.

Ажабланарлиги шундаки, вилоятнинг 25 жойида фаолият кўрсатаётган мазкур цехлар ҳақида район ҳокимликлари етарли маълумотга эга эмаслар. Масаланинг яна бир кўнгилсиз жиҳати бошқа ерда. Республикамизнинг кўпгина жойларида бўлганидек, вилоятда ҳам аҳолини ёғ билан таъминлашда узилишлар юз бераётганлиги сир эмас. Масалан, 1992 йилнинг 9 ойида савдо тармоқларига етказиб берилган ўсимлик мойи режалаштирилганидан салкам минг тонна кам бўлди.

Бизнингча, маълум маблағ, кучғайрат сарфланиб барпо этилган бу цехлар фаолиятини бутунлай тўхтатиб қўйиш адолатдан бўлмаса керак. Гап халқ ҳунармандчилиги негизида бунёдга келган ёрдамчи соҳа ишини тартибга солишда. Қолаверса, бундай цехлар фақат Наманган вилоятидагина бўлмасдан мамлакатимизнинг ҳамма ерида учрайди. Шундай экан, бу тармоқни зарур воситалар билан таъминлаш, тажрибали мутахассислар ва ҳунармандларни жалб этиш, пул топиш илинжида кириб қолган сохта «ишбилармон»лардан тозалаш, хомашё етказиб беришини қонуний асосда ҳал этиш масалалари ҳақида вилоят ва район ҳокимликларидан тортиб тегишли идоралар ва ташкилотларгача бош қотиришлари лозим. Ўйлаймизки, ана шунда мазкур цехлар ривож топибгина қолмасдан халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади, уларнинг соҳиблари эл олқишини қозонадилар.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҲАММА БАҲРАМАНД

***Ўзбекистон Республикаси енгил саноат тармоғининг 103 та корхонасида 300 мингга яқин ишчи ва инженер-техник ходим меҳнат қилмоқда. Уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш юзасидан қандай чоралар кўрилаяпти? Жамоатчи мухбиримиз Ж. Носировнинг бу саволига республика енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ижтимоий-иқтисодий масалалар бўлими мудири Дина Леонидовна СЕЛИВЕРСТОВА қуйидагича жавоб берди:***

— КАСАБА уюшмаси ташкилотлари хўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда ишчиларни социал жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг турли хил йўлларини излаб топмоқдалар. Бинобарин, ҳозирги қийин шароитда кўп оилалар моддий ёрдамга, маънавий мададга муҳтож бўлиб турибдилар. Шуни ҳисобга олиб жойларда тузилган барча жамоа шартномаларида ишчи ва хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш масаласи алоҳида банд қилиб киритилган.

Тармоқдаги кўпгина корхоналар маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилотлари аввало ишчиларнинг фарзандларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини таъкидлаш керак. Чунки болалардан оналарнинг кўнгли тўқ бўлса ишга унум киради. Биласиз, бизнинг тармоқда асосий ишчи кучини хотин-қизлар ташкил этади. Шу боисдан боғча-яслилар ишини яхшилаш, болаларни тарбиялаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланаяпти. Ҳозирги пайтда боғча-ясли учун тўланадиган ҳақ кўп жойларда арзонлаштирилган. Масалан, Жиззах ип йигирув фабрикасига қарашли боғчада тарбияланаётган ҳар бир ўғил-қиз учун ота-оналар ойига 12 сўм тўлашаяпти холос. Кўп болали оилалар эса боғча пули тўлашдан умуман озод этилган. Боғча харажатларини корхона тўлаяпти.

Андижон ип-газлама комбинатида меҳнат қилаётган ота-оналар боғчада тарбияланаётган фарзандлари учун ойига 11 сўм тўлашаяпти. Трикотаж фабрикаси ишчилари эса болалар тарбияси учун кетадиган харажатларнинг 5 фоизини тўлашаяпти, холос. Шунга ўхшаш имтиёзларни яна санаш мумкин.

Айни пайтда ишчиларнинг ўзлари ҳам меҳр-мурувватдан тўла баҳраманд бўлмоқдалар. Тармоқдаги кўпгина корхоналарнинг ошхонасида ишчилар бепул овқатланишаяпти. Тошкентдаги «Орзу» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Андижон трикотаж фабрикасида, Самарқанддаги пиллакашлик, Намангандаги «Беш йиллик» бирлашмаларида тушлик учун ишчилардан бир тийин ҳам олинмайди. Қўқон тикувчилик фабрикасида кам конли аёлларга овқатланиш учун кунига 50 сўмдан пул берилаяпти. Бундан ташқари хокимлик фармойиши билан ҳам уларга озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилаяпти. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларидаги енгил саноат корхоналари ишчиларига эса сабзавот маҳсулотлари ғамлаш учун 3 минг сўмгача ёрдам пули бериш одат тусига кирган.

Сир эмас, аёл зиммасига кўп вазифалар юкланган. У ишлаб чиқаришда илғор бўлиши билан бирга оилада бола тарбияси билан шуғулланиши, бозор-ўчар қилиши, рўзғор тебратиши ҳам керак. Бунинг учун эса вақт керак. Шуни ҳисобга олиб «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 7 соатлик, Андижон трикотаж фабрикаси 6 соатлик иш кунларига ўтказилди. Бундан ташқари Андижон ип-газлама комбинати, трикотаж фабрикаси, Самарқанд чинни заводи, Тошкентдаги «Орзу» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналарда 24 кунлик меҳнат таътили жорий этилди. Бундай енгилликлардан ишчиларимиз мамнун бўлмоқдалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги қийинчиликларга қарамай енгил саноат корхоналарида уй-жой муаммолари муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Бу борада айниқса Фарғона шаҳридаги тўқимачилик комбинати, Марғилон пиллакашлик комбинати, Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Уларда меҳнат қилаётган ишчиларнинг 340 га яқини бир йилда уй-жойли бўлди. 111 та оилага уй-жой сотиб олиш учун ўн йилга мўлжалланган узоқ муддатли ссуда берилди. «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси маъмурияти эса кооператив хонадон сотиб оладиган ишчи учун биринчи бадал пулини тўлаяпти. Бу ҳам ҳозирги шароитда ишчи оиласи учун катта мададдир.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ишчиларни социал ҳимоялаш юзасидан бошланган ҳаракатни давом эттираверади. Ишчиларнинг санаторий ва курортларга боришлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун бепул ёки имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда, пенсионер ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлар уюштирилмоқда. Биз ҳар қандай шароитда ҳам инсонни эъзозлашга, унга меҳр-мурувватли бўлишга даъват этилган эканмиз, шу бурчга ҳамиша содиқ қоламиз.

**Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бўлим мудири Ҳамидулла Пиримқулов, ҳуқуқий назоратчи Надежда Ивановна Ефимова, Ўзбекистон халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг бош мутахассиси Алфида Умаровалар жавоб беришади.**

*Болалигимдан II гуруҳ ногирониман. Чап қўл ва оёғим яхши ишламаслиги ва нимжонлигим сабабли ҳарбий хизматга ҳам олинмадим. Ҳозир 38 ёшдаман. 18 йиллик меҳнат стажига эгаман. 1991 йил октябрь ойидан бошлаб ишсизлигим сабабли район меҳнат (ишга жойлаштириш) бўлимида ҳисобда тураман. Ишга жойлашиш учун яна кимга (қаерга) мурожаат қилишим мумкин? Менга 1992 йил ноябрь ойидаги фармонга асосан қанча нафақа берилиши керак? Яна қандай имтиёзларга эгаман?*

***Й. ИРИСБОЕВ,***
*Сирдарё вилояти, Меҳнатобод райони, «Қаҳрамон» посёлкаси.*

Сиз 18 йил меҳнат стажига эга бўлганлигингиз туфайли II гуруҳ ногирони сифатида амалдаги қонунларга биноан ногиронлик бўйича иш ҳақининг 55 фоизи миқдорида нафақа тайинланиши мумкин.

Ишламайдиган II гуруҳ ногиронлари нафақасига оиланинг ишга яроқсиз аъзолари учун ҳар бир ишга яроқсиз ҳисобига энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча нафақа тўлаш кўзда тутилади.

II гуруҳ ногиронлик бўйича нафақанинг энг кам миқдори, ногирон қарамоғидагиларга бериладиган қўшимча ҳисобга олинмаганда, энг кам иш ҳақининг 100 фоизига тенг, яъни 1992 йил 1 октябрдан 2000 сўмни, 1993 йил 1 январдан эса 2500 сўмни ташкил қилади.

II гуруҳ ногиронлар қишлоқ жойларда маъмурий район доирасида пассажирлар транспортида бепул юриш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари шаҳарлараро темир йўл ва автобус транспортида кузги-қишки даврда йўл ҳақининг 50 фоизини тўлайдилар.

Фуқароларни, шу жумладан ногиронларни ишга жойлаш масалалари билан меҳнат биржалари шуғулланадилар.

---

*Мактабимизда ўқитувчилар етишмаслиги сабабли 30—35 нафар ўқувчига чет тилидан дарс беряпман. Аммо, район халқ таълими бухгалтерияси менга ҳеч қандай қўшимча ҳақ тўламаяпти. Шу тўғрими?*

***Н. ҚУРБОНОВ,***
*Қашқадарё вилояти, Чироқчи райони, Амир Темур номли 3-ўрта мактаб ўқитувчиси.*

Ҳозирги пайтда мактаб раҳбари мавжуд маблағлар доирасида ўқитувчилар, шу жумладан чет тили ўқитувчиларига тўла синф (30—35 ўқувчи) учун қўшимча ҳақ тайинлаш ҳуқуқига эга. Бунинг учун мактаб сметасида жорий ўқув йилида чет тили бўйича иккинчи ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлаш кўзда тутилган бўлиши керак. Бунинг яна бир йўли бор: ўқитувчига тўла синф билан иш олиб борганлиги учун мактаб бўйича иш ҳақини иқтисод қилиш жамғармасидан тўлаш мумкин.

---

*Асли андижонликман, 1986 йил ТошДУ филология факультетига ўқишга кириб, 1991 йили битирдим. Студентлик давримда ётоқхонада турганман. Ҳозир ҳам аспирантуранинг кундузги бўлимида ўқиётганлигим учун аспирантлар ётоқхонасига 1994 йилгача вақтинчалик прописка қилинганман.*

*Тошкент шаҳридан уй олиш учун навбатга туришим мумкинми ёки квартира сотиб олиш ҳуқуқига эгаманми?*

***О. КАМОЛОВА,***
*Тошкент шаҳри.*

Собиқ Иттифоқ Министрлар Советининг 1974 йил 28 августдаги 678-сон қарори билан тасдиқланган «Паспорт системаси» ҳақидаги Низомнинг Фуқароларнинг пропискалари ҳақидаги айрим қоидалар бўйича сиз вақтинча яшаб туриш учун яъни ўқиш даврига прописка қилингансиз.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан Узсовпроф биргаликда 1984 йил 26 сентябрда тасдиқлаган «Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни рўйхатга олиш ва уй-жойларни тақсимлаш қоидалари»га асосан сиз уй-жой шароитингизни яхшилаш мақсадида навбатга туриш учун Тошкент шаҳрида камида охирги 5 йил давомида доимий пропискада бўлишингиз керак эди.

Пропискангиз фақат ўқиш даврига бўлганлиги сабабли сиз уй-жой олиш учун навбатга туриш ҳуқуқидан фойдаланмайсиз.

Саволингизда Тошкент шаҳридан квартира сотиб олиш масаласини кўтаргансиз. Амалдаги қонунчилигимиз у ёки бу ҳудудда жойлашган уйни ўрнатилган тартибда сотиб олишни тақиқламайди.

---

*Ёшим 50 да. Ҳарбий хизматни ўтаётган давримда тош борлиги учун жарроҳлик йўли билан ўнг томондаги буйрагим олиб ташланган. У ерда менга ногиронлик тайинланмай, даволанишни давом эттириш учун ўз юртимга қайтаришди. Район ҳарбий комиссариатига ва дўхтирларга икки йил қатнагандан сўнг II гуруҳ ногирони қилиб, 1 йиллик (1966 йилдан 1967 йилгача) муддат билан нафақа тайинлашди. 1967 йилдан эса яна икки йилга III гуруҳ ногиронлиги тайинлашди. Ва ниҳоят ёшлигимни рўкач қилиб, битта буйрагинг соғ деб ногиронликни бекор қилишди.Касбим ҳайдовчи, умумий иш фаолиятим 30 йил. Ёш ўтган сари соғлиғим ёмонлашяпти. Ҳарбий хизмат чоғидаги жарроҳлик ҳақида ҳужжатим бор. Нафақа олиш учун қаерга ва кимга мурожаат қилай?*

***Й. МЎМИНОВ,***
*Тошкент вилояти, Оҳангарон райони. Қорахитой қишлоғи.*

30 йиллик иш стажи бўлганида 60 ёшга етган тақдирдагина нафақа тайинлаш мумкин.

60 ёшга етишдан илгарироқ нафақа олиш ҳуқуқи юк автомобили ҳайдовчиларига, шахталар, маъдан конлари, разрезлар, кўмир, сланец, маъдан қазиб чиқариладиган карьерлардаги технология жараёнида бевосита ишловчиларга берилади.

Бундай ходимларга узоқ йил ишлаганлик учун нафақа 55 ёшга етганида ва камида 25 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 12 йил 6 ой шу ишларда банд бўлган тақдирда тайинланади; аёлларга 50 ёшга етганида ва умумий стажи камида 20 йил бўлиб, шундан камида 10 йил мазкур ишда ишлаган бўлса тайинланади.

Ногиронлик белгиланган тақдирда Сизга ногиронлик бўйича нафақа белгиланиши мумкин. Бу нафақанинг миқдори II гуруҳ ногиронлиги бўйича иш ҳақининг 55 фоизи, III гуруҳ ногиронлиги бўйича эса иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида тайинланади.

Бунда II гуруҳ ногиронлиги бўйича нафақанинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида, III гуруҳ ногиронлиги бўйича энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бўлади.

---

*Мен Ғалаба район ремонт-ишлаб чиқариш корхонасидаги мелиорация механизациялашган отрядида бульдозер машинисти бўлиб ишлайман. Ёшим 57 да, механизаторлик иш стажим 37 йил, шундан 20 йилдан кўпроғи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ. Қишлоқ механизатори сифатида имтиёзли нафақа олиш ҳуқуқига эгаманми?*

***Р. И. НЕНАШЕВ,***
*Тошкент вилояти, Ғалаба райони, Солдатский шаҳри.*

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирлигининг меҳнатни ноқулай шароити учун имтиёз ва товон пули тайинлаш бўлимига мурожаат қилиб, қуйидаги изоҳни олди:

Қишлоқ хўжалик техника ва сув хўжалиги тизимида ишловчи бульдозер машинисти кексалиги бўйича) имтиёзли шартлар асосида нафақа олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар, лавозимлар ҳамда зарарли ва оғир меҳнат шароити кўрсаткичларининг 2-рўйхатига кирмайди. Собиқ СССР Вазирлар Кенгашининг 1991 йил 26 январдаги 10-рақамли қарори билан тасдиқланган бу рўйхат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 4 январдаги фармонига биноан Республикамиз ҳудудида амал қилмоқда. Шу сабабли сиз имтиёзли нафақа олиш ҳуқуқига эга эмассиз.

**● Саҳифаларни мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.**

## ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

● **Бу воқеа** 8 Март байрами арафасида Москва яқинидаги ҳарбий қисмларнинг бирида содир бўлди. Ички қўшинлар хизмати оддий аскари Терехов тонгги соат 4 дан 30 минут ўтганда соқчилик постини ўзича ташлаб, соқчиларнинг шахсий состави дам олаётган хонага кирган ва беш ҳарбий хизматчини автомат билан отиб ташлаган. Уч киши ўша жойнинг ўзидаёқ вафот этган, икки киши оғир яраланган. Шундан сўнг Терехов ўзини отиб ташлаган. Орада бироз вақт ўтгач яраланганларнинг бири ҳам вафот этган.

* * *

● **Латвияда** яқинда ўзининг янги пули муомилага киритилди. Шу йилнинг биринчи ярмида янги латлар ҳозирги муомилада бўлган Латвиянинг рублларига алмашиниб бўлиниши керак.

* * *

● **Сомалида** хизмат қилаётган АҚШнинг ҳарбий хизматчиси 20 ёшли Уильям Роуз ўз жонига қасд қилди. Денгиз пиёдачиси бўлган бу йигит ўт очиш қуролидан ўзига ўқ узган. Қўмондонлик вакили, «ўлим оқибатлари текширилишини» таъкидлаган.

* * *

● **1990 йилдан** бери Чехия ва Моравия Коммунистик партияси раиси бўлган Иржи Свобода истеъфога чиқди. Бу ҳақда у барча район партия қўмиталарига ишонч хатлари жўнатган.

* * *

● **Дания,** Буюк Британия, Бельгия, Польша, Венгрия, Чехия ва Словакия ташқи ишлар вазирларининг душанба куни Брюсселда бўлиб ўтган амалий учрашувида Европа ҳамжамияти билан Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар Россиядаги вазият ва Югославиядаги можаро билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

* * *

● **БМТ хавфсизлик** кенгаши Қамбоджа Олий миллат кенгашининг 1993 йил 24 майдан 27 майгача мамлакат таъсис ассамблеясига сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлади. Хавфсизлик кенгашининг душанба куни бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда якдиллик билан қарор қабул қилинди.

* * *

● **Никарагуада** ҳаракат қилаётган «Янги контраслар» деб аталган гуруҳ билан алоқадор уч террорчи душанба куни шу мамлакатнинг Коста — Рикадаги элчихонасини босиб олди. Бинода дипломатия ваколатхонасининг ходимларидан камида 10 киши, шу жумладан Никарагва элчиси Альфонсо Робело гаровга ушлаб турилибди.

## МАУГЛИ КУЛА БОШЛАДИ

*Кот д Ивуар пойтахти Обиджон шаҳридан 270 километр наридаги Мараує миллий боғининг ходимлари шу йилнинг январь ойи охирида қўтослар подаси орасида юрган ўсмирни кўриб қолганлар ва уни зўр қийинчиликлар билан аранг қўлга туширганлар. Бу бола кар ва гунг бўлсада, худди ҳайвонлардек ўкирар эди. У фақат ҳўл мевалару ўт-ўланлар билан овқатланарди. Одамлар дастлаб унга яқинлашганларида у худди қоплондек уларга ташланган. Унинг кўзларида доим қўрқув акс этиб турарди.*

*Буни қарангки, ўсмир бахтига унинг оиласи топилди. Ёшлигида боланинг кўкраги қаттиқ куйган бўлиб, тоғаси ўша чандиқдан уни таниган. У африка Мауглисининг тарихини айтиб берган.*

*Бундан 13 йил аввал, тахминан апрель ойларида унинг синглиси икки ёшли ўғлини олиб дарё қирғоғига кир ювишга боради. Ўғлини дарахт соясига ўтқазиб қўйган аёл кир ювиш билан машғул бўлади. Кирларини ювиб бўлгач келса, ўғли қолдирган жойида йўқ бўлган. Узоқ давом этган қидирув ишлари ҳеч қандай натижа берган эмас. Бола бутунлай бедарак йўқолган эди.*

*Ниҳоят орадан 13 йил ўтгач Мамаду (ўсмирнинг исми шундай) топилди. Лекин, деб ёзади Бельгияда чиқадиган «Суар» газетаси, у қандай қилиб қўтослар тўдасига тушиб қолганлиги муаммолигича қолмоқда. Тоғасининг гапларига қараганда, унинг 15 ёшли жияни икки қўллаб овқат ея бошлаган, унинг ўртоқлари кўпаймоқда. Энг асосийси, Мамаду гапга тушунадиган ва кула бошлаган.*

**Н. ШЕВЦОВ.**

## ШВЕЦИЯ РАДИОСИ ХАБАРИ

● ***Ўтган** йилнинг ноябрь ойидан бери, — деб хабар беради Швеция радиоси, — Россия Аэрофлотининг самолётлари Стокгольм аэропорти районида тўрт марта ҳалокатли ҳолатни келтириб чиқаришларига сал қолди. Аэрофлот самолётлари диспетчерлар кўрсатмасини бажаришни кўпинча ёқтирмайдилар.*



# КОРЕЯ МЎЪЖИЗАСИ

***Жанубий Корея Президенти Ким Ен Самнинг сиёсий суратига баъзи чизгилар***

БУ ДАВЛАТ ҳақида жуда кўп ёзишган. Дунёда худуд жиҳатидан унча катта бўлмаган Жанубий Корея қисқа муддат ичида тараққиётнинг ғоят юксак чўққисига кўтарилдики, манман деган давлатлар ҳам у билан ҳисоблашадиган бўлиб қолди. Ҳатто йирик мамлакатлар Жанубий-Шарқий Осиёдаги мўъжизалар яратаётган бу давлатдан ўрнак ола бошлади. Юксак замонавий технология асосида ишлаётган корхоналар, энг чиройли ва ҳар томонлама тежамли автомобиллар, энг мукаммал электрон-ҳисоблаш машиналари, сифатли, кўркам кийим-кечаклар, тўйимли озиқ-овқатлар, сархил мева-чевалар... Буларни санаб адоғига етолмайсиз. Улар ҳақида туганмас достон ёзиш мумкин. Биз ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошлиқ делегацияга ҳамроҳлик қилиб, шу илғор давлатга боришдек юксак шарафга эга бўлгандик. Ўшанда биз учун хаёлий бўлган кўпгина нарсаларни ўз кўзимиз билан кўриб, корейс халқининг меҳнатсеварлиги, тартиб-интизомига, ўз ватани учун қайғуришдек бебаҳо фазилатга таҳсинлар ўқигандик. Тан олиш керак, мўъжизалар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг учун йиллаб изчил меҳнат қилиш, янгиликлар излаш, уни жорий қилиш учун курашиш, интилиш, кўзланган чўққилар сари дадил ҳаракат қилиш керак бўлади.

Яқинда Жанубий Корея халқи ҳаётида яна бир воқеа юз берди. Қарийб ўттиз йиллик танаффусдан сўнг давлат тепасига ҳарбийлар ёрдамида эмас, балки демократик йўл билан сайланган Президент келди. Бундай юксак шарафга 65 ёшли Ким Ен Сам мушарраф бўлди. Президентимиз Ислом Каримов уни бу юксак лавозим билан қизғин табриклади. У ҳам ўз навбатида мамлакатимиз раҳбарига чин дилдан миннатдорчилик билдирди. Чунки, Жанубий Корея билан бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз ўртасида ўзаро иқтисодий ва ҳамкорлик алоқалари тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Асака шаҳрида «ДЭУ» фирмаси барпо этаётган йирик автомобилсозлик заводи, Тошкентдаги «Зенит» заводида ишлаб чиқарилаётган телевизорлар, видеомагнитофонлар ва бошқа қўшма корхоналар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик шартномаларининг тез суръатлар билан амалга ошаётганидан далолат бериб турибди.

Бугун биз сизга дунёнинг «тўрт аждарҳо» мамлакатларидан бири деб ном олган Жанубий Кореянинг янги Президенти Ким Ен Сам ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Чунки у 38 йиллик сиёсий курашлардан сўнг Чонг Ваде Президент саройининг ҳақиқий хўжайини бўлди.

Ким Ен Сам Кореянинг Сариқ денгиз соҳилида жойлашган дунёга машҳур Пусан шаҳри яқинидаги Қочжедео оролида балиқчи оиласида дунёга келган. Бўлғуси Президент мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ корейсларга хос бўлган ҳуснихат ёзишга жуда ҳам ишкибоз бўлган. У болалигида «Президент» деган сўзни жуда ҳам чиройли қилиб кўп бор ёзганди. Талабалик йилларида эса бир куни у хонасига беихтиёр яна каттароқ қилиб ҳуснихат билан «Ким Ен Сам — Корея Президенти» деб ёзиб қўйганди.

Бўлғуси Президент Пусан шаҳридаги институтни муваффақиятли тамомлагандан сўнг. Сеулдаги университетда ўқиди ва сиёсатчи-философ деган мутахассисликни олди. Йигирма олти ёшида Миллий мажлисга депутат қилиб сайланди. Аммо шу йиллардаги Либерал партиянинг вакили бўлмиш Ли Син Маннинг президентлик фаолияти унга маъқул келмайди ва партиядан чиқади, шу кундан оппозицияга қўшилади.

1961 йили Корея ҳукумати тепасига генерал-майор Пак Чжон Хи Президент бўлиб келади. Шу вақтдан бошлаб Жанубий Кореяда ҳарбийларнинг диктатураси бошланади. У бу ҳукуматни ҳам қўллаб-қувватламайди. 1967 йилда Жанубий Кореяда янги Демократик партия вужудга келади. Уттиз тўққиз ёшли Ким Ен Сам унинг ташкилотчиларидан бири бўлади. 1974 йилдан эса ана шу партияга раислик қила бошлайди.

У Пак Чжон Хи диктатурасига қарши узлуксиз кураш олиб борди. Ким Ен Сам Жанубий Корея халқига демократик эркинликлар бериш учун ўзини бахшида этди. Бунинг оқибатида икки йилга сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилди, икки йил уй қамоғида бўлди, уч ҳафта очлик эълон қилди. Ҳатто 1979 йилнинг 15 сентябрида «Нью-Йорк таймс» газетасига интервью бериб, АҚШ раҳбарларидан Жанубий Кореяда демократик ҳаракатларни қўллаб-қувватлашни талаб қилди. Бунинг учун уни Миллий мажлис депутатлигидан чиқаришди. Аммо халқ уни қўллаб-қувватлади. Пусанда ва бошқа кўпгина шаҳарларда намойишлар бўлиб ўтди. Ғалаёнлар авжига минди. Ана шуларнинг оқибатида диктатор Пак Чжон Хи отиб ўлдирилди. Лекин унинг ўрнига бошқа генерал келди. Чон Ду Хван даврида ҳам унинг кураши тўхтамади. Бу кураш Ро Де У даврида ҳам давом этди. Бу генерал бошқарган даврда мамлакатда иқтисодий томондан аҳвол яхшиланган бўлса ҳам, том маънодаги демократик ўзгаришлар юз бермади. Сўнгги йилларда Жанубий Корея мўъжизаси ҳам жиддий юксалишларга эришмади. Тараққиёт секинлашди. Ким Ен Сам сўнгги йиллардаги бу воқеликни шарҳлар экан, «Корейча касаллик» деб атади ва уни албатта тезда даволаш керак, деди. У дастлабки ишни юқори табақадаги порахўрликка қарши курашишдан бошламоқчи. Демак, янги Президентнинг олдида жуда катта ишлар турибди. Чунки кўпгина давлатлар Жанубий Кореядан ўзиб кетишни ўйлаб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида тезкорлик билан ҳаракат қилмоқдалар. Бунга биргина Малайзияда амалга оширилаётган ишлар яққол мисол бўла олади.

Янги Президент бошқа мамлакатларнинг бошлиқларига ўхшаб, волейбол ёки теннис ўйнамайди. У альпинизм ва югуриш билан шуғулланади. У дунёга машҳур Ҳимолай тоғининг энг баланд чўққисини эгалламаган бўлса ҳам. Жанубий Кореянинг энг юксак сиёсий тоғининг пурвиқор чўққисини забт этди. Эндиги қиладиган ишлари эса янги Президентнинг орзуси амалда қандай эканлигини кўрсатади. Ўйлаймизки, Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам, ўзининг янги қирраларини намоён этади. Бунга ишонса бўлади.

*Жаббор* **РАЗЗОҚОВ.**

Суратда: Президент саройи. Муаллиф олган сурат.

# Ассалом, футбол!

*Ўзбекистон футбол Федерацияси тасдиқлаган олий табақа жамоалари ўртасида Ўзбекистон иккинчи чемпионати биринчи давра ўйинларининг жадвалини кўпгина футбол ишқибозлари илтимосига биноан эълон қилмоқдамиз.*

**БИРИНЧИ ДАВРА**

1 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**26 март — жума**

1. «Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Самарканд)
2. «Косонсойчи» (Косонсой) — «Сўғдиёна» (Жиззах)

**27 март — шанба**

3. «Навбаҳор» (Наманган) — «Бинокор» (Қибрай, Тошкент вилояти)
4. «Нурафшон» (Бухоро) — «Наврўз» (Андижон)
5. «Орол» (Нукус) — «Нефтчи» (Фарғона)
6. МАСК (Тошкент) — «Янгиер» (Янгиер)
7. «Шифокор» (Гулистон) — «Трактор» (Тошкент)
8. «Темирйўлчи» (Қўқон) — «Чирчиқ» (Чирчиқ)

2 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**30 март — сешанба**

9. «Навбаҳор» — «Сўғдиёна»
10. «Нурафшон» — «Нефтчи»
11. «Орол» — «Наврўз»
12. МАСК — «Динамо»
13. «Шифокор» — «Чирчиқ»
14. «Темирйўлчи» — «Трактор»

**31 март — чоршанба**

15. Пахтакор» — «Янгиер»
16. «Косонсойчи» — «Бинокор»

3 — ТУР ЎЙИНЛАРИ

**5 апрель — душанба**

17. «Трактор» — МАСК

**6 апрель — сешанба**

18. «Чирчиқ» — «Пахтакор»
19. «Бинокор» — «Нурафшон»
20. «Сўғдиёна» — «Орол»
21. «Динамо» — «Косонсойчи»
22. «Янгиер» — «Навбаҳор»
23. «Нефтчи» — «Темирйўлчи»
24. «Наврўз» — «Шифокор»

4 — ТУР ЎЙИНЛАРИ

**9 апрель — жума**

25. «Чирчиқ» — МАСК
26. «Бинокор» — «Орол»
27. «Сўғдиёна» — «Нурафшон»
28. «Динамо» — «Навбаҳор»
29. «Янгиер» — «Косонсойчи»
30. «Нефтчи» — «Шифокор»
31. «Наврўз» — «Темирйўлчи»

**10 апрель — шанба**

32. «Трактор» — «Пахтакор»

5 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**15 апрель — пайшанба**

33. МАСК — «Сўғдиёна»
34. «Косонсойчи» — «Нефтчи»

**16 апрель — жума**

35. «Орол» — «Трактор»
36. «Нурафшон» — «Чирчиқ»
37. «Пахтакор» — «Бинокор»
38. «Шифокор» — «Янгиер»
39. «Темирйўлчи» — «Динамо»
40. «Навбаҳор» — «Наврўз»

6 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**19 апрель — душанба**

41. «Орол» — «Чирчиқ»
42. «Нурафшон» — «Трактор»
43. МАСК — «Бинокор»
44. «Сўғдиёна» — «Пахтакор»
45. «Шифокор» — «Динамо»
46. «Темирйўлчи» — «Янгиер»
47. «Навбаҳор» — «Нефтчи»

**20 апрель — сешанба**

48. «Косонсойчи» — «Наврўз»

7 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**28 апрель — чоршанба**

49. «Бинокор» — «Темирйўлчи»

**29 апрель — пайшанба**

50. «Трактор» — «Косонсойчи»
51. «Чирчиқ» — «Навбаҳор»
52. «Сўғдиёна» — «Шифокор»
53. «Динамо» — «Нурафшон»
54. «Янгиер» — «Орол»
55. «Нефтчи» — МАСК
56. «Наврўз» — «Пахтакор»

8 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**2 май — якшанба**

57. «Трактор» — «Навбаҳор»
58. «Чирчиқ» — «Косонсойчи»
59. «Динамо» — «Орол»
6;. «Янгиер» — «Нурафшон»
61. «Темирйўлчи» — «Сўғдиёна»
62. «Нефтчи» — «Пахтакор»
63. «Наврўз» — МАСК

**3 май — душанба**

64. «Шифокор» — «Бинокор»

9 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**10 май — душанба**

65. «Бинокор» — «Нефтчи»
66. «Сўғдиёна» — «Наврўз»

**11 май — сешанба**

67. «Пахтакор» — «Навбаҳор»



**12 май — чоршанба**

68. «Орол» — «Шифокор»
69. «Нурафшон» — «Темирйўлчи»
70. МАСК — «Косонсойчи»
71. «Динамо» — «Чирчиқ»
72. «Янгиер» — «Трактор»

10 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**13 май — пайшанба**

73. «Бинокор» — «Наврўз»
74. «Сўғдиёна» — «Нефтчи»

**15 май — шанба**

75. «Орол» — «Темирйўлчи»
76. «Нурафшон» — «Шифокор»
77. МАСК — «Навбаҳор»
78. «Динамо» — «Трактор»
79. «Янгиер» — «Чирчиқ»

**16 май — якшанба**

80. «Пахтакор» — «Косонсойчи»

11 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**29 май — шанба**

81. «Трактор» — «Бинокор»
82. «Косонсойчи» — «Нурафшон»

**30 май — якшанба**

83. «Чирчиқ» — «Сўғдиёна»
84. «Шифокор» — МАСК
85. «Темирйўлчи» — «Пахтакор»
86. «Нефтчи» — «Янгиер»
87. «Наврўз» — «Динамо»
88. «Навбаҳор» — «Орол»

12 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**2 июнь — чоршанба**

89. «Пахтакор» — «Шифокор»
90. «Сўғдиёна» — «Трактор»
91. «Нефтчи» — «Динамо»
92. «Наврўз» — «Янгиер»
93. «Навбаҳор» — «Нурафшон»

**3 июнь — пайшанба**

94. МАСК — «Темирйўлчи»
95. «Косонсойчи» — «Орол»

**4 июнь — жума**

96. «Бинокор» — «Чирчиқ»

13 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**8 июнь — сешанба**

97. «Трактор» — «Наврўз»
98. «Орол» — МАСК
99. «Нурафшон» — «Пахтакор»
100. «Чирчиқ» — «Нефтчи»
101. «Динамо» — «Сўғдиёна»
102. «Янгиер» — «Бинокор»
103. «Темирйўлчи» — «Косонсойчи»
104. «Навбаҳор» — «Шифокор»

14 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**11 июнь — жума**

105. «Орол» «Пахтакор»
106. «Нурафшон» — МАСК
107. «Трактор» — «Нефтчи»
108. «Чирчиқ» — «Наврўз»
109. «Темирйўлчи» — «Навбаҳор»
110. «Косонсойчи» — «Шифокор»

**12 июнь — шанба**

111. «Бинокор» — «Динамо»
112. «Сўғдиёна» — «Янгиер»

15 ТУР ЎЙИНЛАРИ

**15 июнь — сешанба**

113. «Пахтакор» — МАСК

**16 июнь — чоршанба**

114. «Орол» — «Нурафшон»
115. «Чирчиқ» — «Трактор»
116. «Бинокор» — Сўғдиёна»
117. «Динамо» — «Янгиер»
118. «Шифокор» — «Темирйўлчи»
119. «Нефтчи» — «Наврўз»
120. «Косонсойчи» — «Навбаҳор»

**Иккинчи давра ўйинлари жадвалини газетамизнинг 14 август сонида эълон киламиз.**

| Т/N | Жамоалар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | Ю | Д | М | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Пахтакор» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2 | «Нефтчи» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3 | «Сўғдиёна» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4 | «Нурафшон» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5 | «Навбаҳор» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6 | «Темирйўлчи» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 7 | «Наврўз» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 8 | «Косонсойчи» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 9 | «Трактор» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 10 | «Динамо» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 11 | «Бинокор» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 12 | «Чирчиқ» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 13 | «Янгиер» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 14 | «Орол» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 15 | МАСК | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 16 | «Шифокор» | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |



## МУАММОНОМА

**Азиз муштарий! Муаммонома бошқотирма турларидан бири бўлиб, рақамларда яширинган матн ҳисобланади. У очқич ёрдамида ҳал этилади.**

Сиз аввал қуйида таърифланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Гул тикиб тайёрланган каштадўзлик буюми—1, 8, 9, 5, 6, 5.
2. Қиймали, ёғда пиширилган сомса—17, 5, 7, 5, 10, 2.
3. Кўп йил яшовчи серсоя улкан дарахт—11, 2, 6, 4, 7.
4. Подшо саройидаги ҳашамдор ўриндиқ— 15, 5, 16, 15.
5. Манзарали ўсимлик тури—14, 13, 3.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштиринг. Бунда XI аср форс тожик мутафаккир шоири ва диний арбоби Носир Хисравнинг икки мисра ҳикматини ўқийсиз.

**Тузувчи; Фозилжон ОРИПОВ.**

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ 10-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН. ТОПҚИРЛИК МАШҚИ ЖАВОБИ.**

**Энига: 5. Зардўзлик. 6. Умид. 7. Мушк. 10. Отин. 11. Ипак. 12. Тожихон. 15. Узук. 16. Ижод. 17. Амал. 18. Хина. 21. Зуннунова.**

**Бўйига: 1. Қадр. 2. Базм. 3. Фаришта. 4. «Нилуфар». 8. Андижанка». 9. Бибихоним. 13 «Азгануш». 14. Ҳожиева. 19. «Анор». 20. Инжу.**

**Очқич. 1. Гилам. 2. Тўёна. 3. Бахши. 4. Ғазал. 5. Доно. Ҳикмат: Онанг хизматида бўлғил ёшингда.**

## БИР ЛАХҲЗАДА

● *Нигоҳлар тўқнашди ва икки дил бир-бирига туташди.*

● *Ўқ еган лайлак юракни пораловчи оҳангда бир қичқирди-ю жон берди.*

● *Қайнонадан қолган сўнгги ёдгорлик — қадимий чойнак келин қўлидан тушиб, чил-чил синиб кетди.*

● *Беҳосдан учган юлдуз сокин тунга титроқ солди.*

● *Қизалоқ тиккан илк каштасини сувга оқизди.*

● *Катта йўлдан кесиб ўтаётган кучукча бир олифтанинг машинаси остида қолиб кетди.*

Клара БОЗОРОВА,
Навоий вилояти,
Қизилтепа райони.

## НАСРИЙ МАСАЛЛАР



*Шер ҳайвонларни йиғиб эълон қилди:*

*— Доктор Айболит ҳайвонларни медицина кўригидан ўтказгани келди. Лекин ҳамма ҳайвонлар келмагунча кўришни бошламас эмиш. Номаълум сабабларга кўра Айиқ полвондан дарак йўқ. Айтиб келгани кимни юборамиз?*

*— Тошбақани юбориш керак, — таклиф қилди Тулки.*

*— Нега сени эмас? — сўради Шер.*

*— Тошбақа келгунга қадар камчил жойимизни бемалол тартибга солиб оламиз, — жавоб берди Тулки.*

* * *

*— Қани марҳамат, асал билан меҳмон қиламан, — уйига Тулкини таклиф қилди Айиқ.*

*— Асал яхши нарса-ю, лекин товуқ гўштига нима етсин, — жавоб берди Тулки.*

* * *

*— Тинчликми ўзи, туни билан уйқу бермадинг? — сўради Балиқ Қурбақадан.*

*— Боламни аллаладим...*

* * *

*Бир йўла икки товуқни кўтариб келган тулкини ота тулки мақтади:*

*— Ота тарбиясини олгансан-да. Демак, энди камлик кўрмайсан.*

* * *

*Қирпи алла айтиб, боласини ухлата бошлади:*

*— Юмшоққинам ухла-ё, алла...*

*Буни эшитган қўнғиз ҳам боласига алла айта бошлади:*

*— Оппоқ болам ухла-ё, дўмбоқ болам, ухла-ё, алла!*

* * *

*— Ҳақиқатга ишонасанми? — сўради Қуён Тулкидан.*

*— Товуқ келтирсанг, айтаман.*

* * *

*— Сени сеҳргар дейишади, тўғрими? — сўради Тулкидан Бўри.*

*— Кўзингни юмгин-чи, сеҳргарлигимни кўрасан...*

*Бўри кўзини очганда ҳозиргина қаршисида турган Тулки йўқ эди.*

* * *

*Качон тўғри юрасан? — сўради Тошбақа Илондан.*

*— Сен осмонга учадиган бўлганингда, — жавоб берди Илон.*

* * *

*— Сен ҳам мендек семирмадинг-семирмадинг-да, — деди чумчуқ читтакка.*

*— Ҳар ҳолда осмонни ушлаб қолишга қодирман-ку, — жавоб берди Читтак.*

* * *

*— Тушимда бозор ўрнида нуқул товуқ фермаси очилаётган эмиш, — деди Тулки Эчкига.*

*— Уни қара-я, менинг тушимда эса бозорга карам туширилаётган эмиш — жавоб берди Эчки.*

* * *

*Худонинг қудрати билан одамга айланиб қолсанг нима қилардинг? — сўради Тўти Маймундан.*

*— Одамлар кўрмасин деб горга яшириниб олардим, — жавоб берди Маймун.*



***Карим ШОДИҚУЛОВ,***
***Жиззах вилояти.***



Ё тавба, бунақасини энди кўришим.
Даврон АҲМАД олган сурат.



Ширин хаёл...



**— Тавба, симни узиб қўйганимга бир соатдан ошди-ю жаврашдан тўхтамайди-я...**



**— Хотинжон, мен футболга кетяпман, келмасам хавотирланмагин.**

Рассом: Олимжон ХОЛИҚОВ.

## Ҳандалар

*— Олдин гулим-гулим, дер эдингиз. Қани ўша эркалайларингиз?*

*— Сабр қил! Гуллар очилсин.*

* * *

*Режиссёр актёрга деди:*

*— Сизга спектаклдаги бош ролни бермоқчиман.*

*— Бош қаҳрамоннинг тақдири нима билан тугайди!*

*— Ҳалокат билан.*

*— Йўқ, мен ўлишни истамайман! — деди актёр.*

* * *

*— Ойи сиз илонмисиз? — деди кенжа ўғли.*

*— Ким айтди?*

*— Дадам ичган эканлар, қўрқиб, уйга кирмаяптилар, ойинг заҳрини сочади, деб.*

* * *

*Бир йигит кўчат ўтқазаётган чолдан сўради:*

*— Ота, бу экаётган олмангиз қачон ҳосил беради?*

*— Вояга етганда.*

*— Ўҳ-ў, унгача тишларингиз битта қолмай тўкилиб кийса мевасини қандай ейсиз?*

*— Сенга ўхшаган тиши бутунлар еяр, деб экаяпман.*

**А. ТОЖИБОЕВ.**





## «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ МАРКАЗИДА

**РЕСПУБЛИКА «Наврўз» хайрия жамғармасининг Жиззах вилояти бўлимига Б. А. Тагматов раҳбарлик қилади.**

— «Наврўз» хайрия маркази вилоятимизнинг барча шаҳар, район ва қишлоқларида баҳор байрами—Наврўзни ўтказишга бош-қош бўлмоқда,—дейди Б. А. Тагматов.—Бундан ташқари моддий жиҳатдан ночор оилаларга, ёлғиз кишиларга, уруш ва меҳнат ногиронларига, болалар уйлари ва интернатларга, ёш келин-куёвларга иқтисодий ва маънавий кўмак бўлаётир.

Марказ корхона ташкилот ва саховатли кишиларнинг мададига суяниш билан бирга ўзига ўзи маблағ топиш чораларини ҳам кўраяпти. Бу йил Зарбдор районидан 100 гектар ер олиб, деҳқончилик қилиш чоралари белгиланаяпти.

Марказ қошида қурилиш бўлими ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу бўлим уй-жойи йўқ кишиларга бошпана қуриб бериш, мавжуд уй-жойларни таъмирлаш билан шуғулланади.

Ғаллаорол районида Наврўз байрами шарафига хўжаликлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда, қишлоқларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб боријапти. 21 мартгача райондаги ҳар бир киши 10 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш ҳаракатида.

Район ҳокимлиги хўжалик, корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларга кўчат ўтқазиш бўйича режа белгилаб қўйди. Белгиланган топшириқни ортиғи билан бажарган жамоаларга ва хонадон соҳибларига пул мукофотлари берилади. Шу мақсад учун ҳокимлик ҳисобидан 10 минг сўм ажратилган.

**«Ишонч» мухбири.**

**ҚАРШИ шаҳар хотин-қизлар кенгаши ўтказаётган тадбирлар аҳоли томонидан маъқулланиб кутиб олинмоқда.** Қилинган саъй-ҳаракат озгина бўлса-да эзгуликка хизмат қилса, кимнингдир дардига малҳам топиб, кўнглини кўтарса яхши-да. Яхшилик, меҳр-муҳаббатнинг ози бўлмайди. Шаҳардаги тикувчилик фабрикасида ишловчи Насибахон Абдуллаева хотин-қизлар кенгашининг кўрсатган ёрдамларини асло унутмайди. Насибахон ёшликдан меҳрга ташна ўсган. Китоб шаҳридаги етимхонада

## БОР БЎЛСИН МЕҲР-ОҚИБАТ

тарбияланди. Турмуш ўртоғи Азамат Алиев ҳам шу ерда вояга етган. Тақдир тақозоси билан Қаршида ишлаб келишди. Шаҳар хотин-қизлар кенгаши, унинг раҳбари—куйинчак инсон, журналист Сайёра Зоирова ёрдам қилишмаганда ҳоллари нима кечарди? Улар яқин қариндошлари бўлмаган ёш оиланинг аҳволидан доим хабардор бўлиб туришди. Керак пайтлари ёрдам қилишди, байрам сайилларда совға-саломлар уюштиришди.

Бу йил Наврўз байрами муносабати билан Қарши шаҳар хотин-қизлар кенгаши Насибахонлар учун ажойиб совға ҳозирлашган. Уларнинг иккинчи фарзанди учун улуғ айём Наврўз кунларида бешик тўйи қилиб берилади. Ҳозир эса энг машҳур усталардан бирига энг чиройли ва мустаҳкам бешик учун буюртма берилди. Эзгулик фақат эзгуликни яратади-да, ахир!

**М. КЕНГБОЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## БЕПУЛ ХИЗМАТ

Жиззах вилоят «Жиззах транс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви чиқарган буйруққа асосан наврўз кунлари шаҳарлар ва район марказлари ичида хизмат кўрсатадиган барча транспорт воситалари (таксидан ташқари) аҳолига бепул хизмат кўрсатади.

* * *

Наврўз байрами муносабати билан шаҳар ва район марказларида яшовчи фуқароларга бепул кино хизмати кўрсатилади. Жиззах вилоят кинолаштириш ва кинони ижарага бериш бошқармаси ана шу ҳақда қарор чиқарган.

* * *

Вилоят ҳудудидаги уруш фахрийларига, байналмилалчи жангчиларга, Чернобиль қатнашчиларига, I, II, III гуруҳ меҳнат ногиронларига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси жамоаси байрам куни бепул маиший хизмат қилади.

* * *

Наврўз кунига қатнашиш учун Қозоғистон республикасининг Чимкент областидан ва Тожикистон республикасининг Зафаробод, Ўратепа районларидан меҳмонлар таклиф этилган.

Алибой ЭРГАШЕВ.
«Ишонч» мухбири.



**Ишонч**

БОШ МУҲАРРИР
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЕРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят мухбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА,

- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Безатиш —56-87-74.
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.
- ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда —2-10-02;
Жиззахда —2-39-54;
Навои — 3-59-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда —4-19-97;
Самарқандда —35-63-64;
Термизда —2-70-07;
Тошкентда —56-87-95;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида —5-33-71;

- Муҳарририят га келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.
- ГАЗЕТАМИЗ ҲОМИЙЛАРИ:

Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ райони Ким Пен Хва номидаги корпорация.

- Сотувдаги нархи 10 сўм.
- ШАНБА кунлари чиқади.
- **Босишга 12 мартда** топширилди.
- Навбатчи масъуллар:

Турғун Назаров,
Жонрид Абдуллахонов.

- МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

- 84460 нусхада босилди.
- Буюртма — № Г140.
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 | 5 6